

У зотнинг аввал ёзган ва энг чиройли китоблари «Ал-вакфу вал ибтидо»дир. Имом Доний айтадилар: «Мен баъзи дўстларимиздан эшитдим: Ибн Анбарий «Ал-вакфу вал-ибтидо» китобини тасниф килганларида Мужохидга (рахматуллохи алайхи) олиб келинди. У зот китобни кўриб: «Менинг нафсим ҳам мана шундай китобга риоя килишини хоҳлардим, ёшлар бу китобни ва мусаннифни тарк килмасайди!» дедилар». Жаъфар ибн Муъоздан хикоя килинади: «Жаъфар жомеъ масжидида эдилар. Кишилар бир оятнинг маъносини сўрашди. Жаъфар: «Бу оятнинг ўн хил кўриниши бор», дедилар. Шунда улар: «Ундай бўлса, бизга ҳам келтиринг», дейишди. Шунда у зот:«Бу Ибн Анбарийнинг китобидир», дедилар».